



O'ZSANOATQURILISHBANK

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

ANNUAL REPORT

ГODOBOЙ OTЧET

2011

МУНДАРИЖА

1. Бошқарув Раисининг мурожаати
2. Кузатув кенгаши
3. Банк Бошқаруви
4. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг 2011 йилдаги фаолияти асосий яқунлари
5. Мижозлар билан ишлаш
6. Кредит сиёсати
7. Лойиҳавий молиялаштириш
8. Халқаро вакиллик муносабатлари ва ҳисоб-китоблари
9. Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият
10. Ахборот технологияларини қўллаш билан банк хизматларини ривожлантириш ва такомиллаштириш
11. Банкнинг кадрлар сиёсати
12. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг ривожланиш стратегияси
13. Молиявий ҳисобот (аудиторлик хулосаси)
14. Филиаллар тармоғи

БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ МУРОЖААТИ

Ҳурматли акциядорлар, мухтарам ҳамкорлар ва ҳамкасблар!

Эътиборингизга “Ўзбекистон саноат – қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банкининг 2011 йилдаги фаолият натижалари бўйича ҳисоботини ҳавола қилмоқдамиз.

Ҳисобот йилида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз фаолиятини банкни капиталлашув даражасини янада ошириш ва унинг ўсишини таъминлашга йўналтирилган узоқ муддатли сиёсат бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мамлакат банклари олдига қўйилган асосий вазифани бажаришга йўналтирди. Буларнинг барчаси саноатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқдир.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ мамлакатнинг энг ёши улуғ банки ҳисобланади, 1922 йилдан бошланадиган бой тарихга эга ва шу давр мобайнида банк иши амалиёти бўйича улкан тажриба тўплаган. Республиканинг етакчи универсал тижорат банки сифатида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ юқори иқтисодий имкониятларнинг шаклланиши ва Республиканинг янада динамик ривожланишига кўмаклашган ҳолда иқтисодиётнинг реал секторига мақсадли сармояларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга Банк йирик инвестицион лойиҳаларни ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорларни молиялаштириш учун хорижий кредитларни кенг даражада жалб қилади.

Республиканинг энг йирик инвестиция банкларидан бири сифатида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ давлат томонидан ҳам, банк акциядорлари томонидан ҳам юқори даражада қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳозирги вақтда Банк энг мақбул миқозлар базасини шакллантирган ва деярли барча турдаги банк хизматларини кўрсатган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг молиявий секторида ўзининг муносиб ўрнига эга.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ стратегияси мамлакат нефт ва газ саноати, қурилиш ва энергетика мажмуалари корхоналари ишлаб чиқаришини қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни узоқ муддатли қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Шу билан бир вақтда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришга, уларни модернизация қилиш ва молиявий барқарорликларини янада кўтаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Банк учун чакана хизматлар соҳасини ривожлантириш, жумладан “VISA” халқаро пластик карточкаларини кенг даражада эмиссия қилиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, кенг оммага хизмат кўрсатувчи савдо терминаллари тармоғини ташкиллаштириш воситасида хизматлар сифатини кўтариш ҳам ривожланишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

2011 йил якунлари бўйича рейтингларни мониторинг қилиш натижаларига кўра “Ahrog-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ кредит рейтингини миллий шкала асосида “Барқарор” прогнози билан “uzA+” даражасида тан олинishi банк фаолиятининг холис тан олинishi ҳисобланади. “uzA+” рейтинги банк фаолияти кредит таваккалчилигининг жуда паст даражадалигини акс эттирган ҳолда унинг кредит лаёқати даражасининг жуда юқори даражада эканлигини билдиради.

2011 йил декабрь ойининг ўрталарида “Standard&Poors” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ узоқ муддатли кредит рейтингини “Барқарор” прогнози билан “В+” даражагача кўтарди. Шу билан бир вақтда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ барча рейтингларини “Барқарор” прогнози билан тасдиқлади. Олинган баҳолар унинг муносиб бизнес ҳолатини, таваккалчилик бўйича ҳолатини ва ликвидликнинг солиштириш мумкин бўлган кўрсаткичларини акс эттиради.

Республикада 2011 йилни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилаётган тадбирларга мувофиқ “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан ҳисобот йилида республиканинг шу соҳадаги олий ўқув юртлари билан биргаликда “Энг инновацион бизнес ғоя” танловлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаси бир неча номинациялар бўйича “Энг яхши бизнес-лойиҳа” танлови ўтказилди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иштирокида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБда “Иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштиришдаги “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг роли” мавзусидаги анжуман ўтказилди.

Маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлаш, янги иш ўринларини яратиш, жумладан касбга йўналтирилган ўрта-техник коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашни кўзда тутган лойиҳалар, чекка ҳудудлар ва меҳнат ресурслари зич жойлашган минтақаларда амалга оширилаётган лойиҳаларга алоҳида имтиёз берилди.

Мамлакат Ҳукумати томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинган 2012 йилда банкнинг янги режалари ва вазифалари мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш, мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, стратегик жиҳатдан муҳим бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестиция фаолиятини амалга ошириш, кичик бизнес, жумладан ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқдир.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўзининг асосий кадриятлари – тартиблилик, софлик, тажриба ва касбий маҳорат, очиқлик ва ҳаммабопликларни сақлаб қолди. Шунинг учун Банкимизнинг ўзига хос белгиси сифатида ҳар бир миждозга ҳолисона ёндашув ва содиқ муносабат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади!

Акциядорларимизга, миждозларимизга ва ҳамкорларимизга уларни ишончи, ҳамфикрлиги ва ҳамкорлиги учун самимий миннатдорчилик билдирган ҳолда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ келгусида ҳам тараққиётнинг барқарор ва самарали ўсиш йўлидан бориб, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, дея ишонтирамиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Бошқарув Раиси
А.Н. Абдуллаев**

БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТАРКИБИ

Кенгаш Раиси

Хўжаев Ботир Асадиллаевич

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт Вазирининг биринчи ўринбосари

Кенгаш Раисининг Ўринбосари

Тешабоев Ботиржан Маматхонович

“Ўзбекэнерго” ДАК Бошқаруви Раиси

Кенгаш аъзолари:

Абдурахимов Абдурасул Абдурашидович

“Ўзбекнефтегаз” МХК Бошқарув Раиси Ўринбосари

Вафоев Шухрат Абдушарифович

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори

Кенгаш Раиси ўринбосари

Гулямов Саидахрол Ганиевич

Навоий тоғ-металлургия комбинати Бош директорининг ўринбосари

Карабаев Фарход Аббасович

Хайдаров Шухрат Хазратқулович

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарув Раиси ўринбосари

Хусанов Нодирбек Жуммаевич

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қимматли ва молия қоғозлари бошқармаси Бошлиғи

Улжабаев Жахонгир Бахромович

“Asset Management Trust” ОАЖ ХК раҳбари

БАНК БОШҚАРУВИ

Абдуллаев Абдурасул Неъматович
Бошқарув Раиси

Обиджонов Жаҳонгир Обиджонович
Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари

Якубов Шухрат Исраилович
Бошқарув Раисининг ўринбосари

Шерматов Мансур Нигматович
Бошқарув Раисининг ўринбосари

Ходжаев Саидкамол Саидкаримович
Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ахборот
технологиялари департаменти директори

Усманов Бахтиёр Мамаджанович
Юридик бошқарма бошлиғи

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ОАТБНИНГ 2011 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Банк тўғрисида маълумот

«Ўзбекистон саноат - қурилиш банки» очик акциядорлик тижорат банки республиканинг етакчи универсал тижорат банкларидан бири бўлиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиради ҳамда иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, кичик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорларни кредитлар билан таъминлайди, шунингдек кенг кўламда чакана хизматлар кўрсатади.

Банк фаолиятининг асосий йўналишлари - бу иқтисодиётнинг таркибий туб ўзгаришларида, саноатни модернизациялаш, техникавий ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларида кенг миқёсда иштирок этиш, корхоналарни қўллаб-қуватлаш ва уларни молиявий соғломлаштириш, ресурс базасини жадал кенгайтириш ҳисобланади. Сармоялаш салоҳиятини, капиталлашув даражасини доимий тарзда ошириш, молиявий ресурсларнинг манбаларини диверсификациялаш – банк амалиётлари кўламини кенгайтирилиши учун ҳам, банкнинг кредит берувчилари, депозиторлари (омонатчилари) ҳамда сармоядорлари олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши учун ҳам замин яратади..

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ 1922 йили Саноат банки сифатида ташкил этилган. 1991 йилда банк акциядорлик – тижорат банкига айлантирилди. 2009 йилда банкнинг номи “Ўзбекистон саноат - қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банки (“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ) деб ўзгартирилди.

Ўзининг бир неча ўн йиллик фаолияти мобайнида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ йирик инвестиция муассасасига айланди. Ҳозирги рақобат шароитида, Банк мамлакат молиявий бозоридаги нуфузли ўринларни эгаллаб, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхона ва ташкилотларнинг узоқ муддатли лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг кўламдаги замонавий банк хизматларини кўрсатувчи етакчи банклардан бири сифатида, замонавий технологияларни жорий қилиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мижозларга кўмаклашмоқда.

Республикаимиз Президентининг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини ва макроиқтисодий мувозанатни, асосий тармоқларнинг барқарор фаолиятини ва аҳоли бандлигини таъминлаш, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини мақсадли молиялаштириш юзасидан белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш - “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБни 2011 йил йилдаги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Ҳукумат томонидан қўйилган мазкур вазифаларнинг аҳамиятлилигини англаб олган ҳолда, ҳамда уларни самарали ижро этиш мақсадида банкнинг тузилмаси тубдан қайта кўриб чиқилди.

Лицензиялар, иштирок этиш ҳоллари, гувоҳномалар

Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширади:

ЎзР Марказий Банкнинг 2009 йил 27 июндаги банк операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 17-сонли Бош лицензияси;

ЎзР Марказий Банкнинг 2009 йил 27 июндаги хорижий валютада амалиётларни бажариш ҳуқуқини берувчи 47-сонли Бош лицензияси.

Банк:

- S.W.I.F.T. халқаро электрон пул тўлови тизимининг аъзоси,
- Reuters Dealing 3000 давлатлараро ахборот дилинг тизимининг абоненти,
- Ўзбекистон банкларидаги аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимининг иштирокчиси,
- Республика Банклараро Валюта Биржасининг барча секциялари бўйича ҳақиқий аъзоси,
- “Тошкент” Республика Фонд Биржасининг акциядори ва аъзоси,
- “VISA International” халқаро тўловлар уюшмасининг қатъий аъзоси ва акциядори,

- Ўзбекистон ҳудудида VISA карталари бўйича мамлакат ичида тўловларни амалга оширувчи банк - Uz NNSS,
- Ўзбекистон банклари Уюшмасининг аъзоси,
- “CONTACT”, “Migom”, “Interexpress”, “Blizko”, “Western Union”, “UNIstream”, “Быстрая почта”, “Золотая корона”, “Лидер” халқаро пул ўтказмалари тизимларининг вакил банки сифатида тан олинган.

Молиявий натижалар

Ҳисобот даврида Ўзбекистон банк тизимининг жадал ривожланишига ташқи иқтисодий конъюнктуранинг қулай шароитида иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини юксак даражада сақланиб қолиши ҳамда банк хизматларига бўлган ички талабнинг ўсиши сабаб бўлмоқда.

Ҳисобот йили давомида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз ресурс салоҳиятини қатъий ўстириб, оқилона таваккалчилик ва самарали бошқарув услубидан иборат бўлган пухта ривожланиш сиёсатини олиб борди.

Капитални ошириш


Банк капиталининг барқарор ўсиши - ривожланиш стратегисининг муҳим таркибий қисми бўлди. 2012 йилнинг 1 январи ҳолатига келиб банкнинг хусусий капитали 224,9 млрд. сўмга етказилди, бу ўтган йилги даражага нисбатан 41,6 млрд. сўм ёки 22,7% кўп демакдир.

Устав капиталининг умумий ҳажми 148,0 млрд. сўмга етказилди, улардан 143,05 млрд. сўми оддий акциялар ва 4,95 млрд. сўми – имтиёзли акциялар ҳиссасига тўғри келади.

Банк фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари (млрд. сўм)

| Кўрсаткичлар | 01.01.2011 | 01.01.2012 | Ўсиш суръати (%) |
|--------------|------------|------------|------------------|
| Активлар | 1928,5 | 3460,5 | 79,4 |
| Мажбуриятлар | 1745,2 | 3235,6 | 85,4 |
| Капитал | 183,3 | 224,9 | 22,7 |
| Фойда | 15,0 | 22,6 | 50,7 |

2011 йилда банк молиявий кўрсаткичларининг фоиз нисбатдаги ўсиши




Капитални доимий равишда ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия – банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарорини бажариш мақсадида қўшимча 24,25 млрд.сўмлик оддий акциялар муомалага чиқарилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ акциядорлик капиталининг шаклланиши

млрд.сўм

| Сана | Тўланган устав капитали | Оддий акциялар | Имтиёзли акциялар |
|------------|-------------------------|----------------|-------------------|
| 01.01.2008 | 34,6 | 30,6 | 4,0 |
| 01.01.2009 | 100,0 | 96,0 | 4,0 |
| 01.01.2010 | 110,0 | 105,6 | 4,4 |
| 01.01.2011 | 123,75 | 118,8 | 4,95 |
| 01.01.2012 | 148,0 | 143,05 | 4,95 |



Активлар

Хусусий ва корпоратив мижозлар билан фаол ишлаш, Банк учун анъанавий бўлган маҳсулотларни такомиллаштириш ҳамда янги хизмат турларини ривожлантириш - 2011 йил якунлари бўйича катта молиявий натижаларга эришишга, амалиётларнинг самарадорлигини оширишга ва бизнесни жиддий равишда кенгайтиришга имконият яратди.

Банк хизматларига бўлган талаблар ўсиши ва Ўзбекистон банклари орасида рақобат даражасини ошириш банк активларини шаклланишида ўз аксини топди. Ҳисобот йили даврида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активларининг банк бозоридаги улуши 1532,0 млрд.сўмга ёки 79,4% га ошди ва 3460,5 млрд. сўмдан иборат бўлди.

Активлар асосан қуйидагилар ҳисобига ўсди:

- кредит қўйилмалари - 865,9 млрд.сўм,
- бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлар – 510,4 млрд.сўм,
- ЎзР Марказий Банкадаги пул маблағлари – 64,5 млрд.сўм,
- бошқа активлар – 27,3 млрд.сўм,
- қимматли қоғозлар ва сармоялар – 22,6 млрд.сўм,
- асосий воситалар ва номоддий активлар – 21,6 млрд.сўм,
- пул маблағлари - 19,7 млрд.сўм.


Банк активларининг асосий улуши кредит портфели хиссасига тўғри келиб, соф ссудалар миқдори 2255,5 млрд.сўмни ёки 65,2 фоизни ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкада жойлаштирилган пул маблағлари - 270,4 млрд.сўмни ёки 7,8 фоизни, бошқа банклардаги маблағлар – 670,2 млрд.сўмни ёки 19,4 фоизни, бошқа активлар – 71,1 млрд.сўмни ёки 2,1 фоизни, инвестициялар – 35,9 млрд.сўмни ёки 1,8 фоизни, пул маблағлари – 53,4 млрд.сўмни ёки 1,5 фоизни, асосий воситалар – 62,1 млрд. сўм ёки 1,8 фоизни ва давлат қимматли қоғозлари портфели – 77,8 млрд.сўмни ёки 2,2 фоизни ташкил қилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активларининг тузилиши


соф ҳолда, млрд.сўм

| Модда | 01.01.2011й. | 01.01.2012й. |
|---|----------------|----------------|
| Нақд пуллар ва бошқа хил касса ҳужжатлари | 33,7 | 53,4 |
| ЎзР МБдаги пул маблағлари | 205,9 | 270,4 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 159,8 | 670,2 |
| Мижозларга берилган қарзлар, соф ҳолда | 1389,6 | 2255,5 |
| Қимматли қоғозлар ва инвестициялар, соф ҳолда | 55,2 | 77,8 |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар | 40,5 | 62,1 |
| Бошқа активлар, соф ҳолда | 43,8 | 71,1 |
| Жами | 1 928,5 | 3 460,5 |

01.01.2011й. ҳолатига кўра “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активларининг тузилиши (соф ҳолда)



01.01.2012й. ҳолатига кўра “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активларининг тузилиши (соф ҳолда)



Ҳисобот даврида Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўрнатилган барча меъёрларга амал қилди ва Марказий банкдаги мажбурий заҳиралар жамғармасига ўз вақтида пул маблағлари ўтказди. 2012 йил 1 январь ҳолатига мазкур жамғармага ўтказилган пул маблағларининг ҳажми 124,9 млрд.сўмга етди.

Банк маблағларининг таваккалчиликка асосланган активларга нисбати (капиталнинг етарлилиги нормативи) 0,108 дан 0,131 гача ўзгарди ва йил натижаси бўйича 0,117 га тенг бўлди. Ҳисобот даврида Банк балансининг ликвидлиги ҳолатига катта эътибор берилди. Банкнинг муддати 30 кунгача бўлган кредиторларнинг талабларини қондириш лаёқатлиги (жорий ликвидлик нормативи) энг қуйи чегараси 30% бўлсада, ҳисобот санасига 79,4% ни ташкил қилди.

Фойданинг ўртача тортилган активларга нисбати – **активларнинг ўртача тортилган рентабеллиги (ROAA)** 0,9% дан 1,0% га, фойданинг ўртача капиталга нисбатан – **капиталнинг ўртача тортилган рентабеллиги (ROAE)** 12,6% дан 13,6% га ўсди ва банк молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичи - **соф фоизли маржа** 3,97%дан иборат бўлди.

2012 йил 1 январ ҳолатига Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

| | | |
|--|--|--------|
| Активларнинг ўртача тортилган рентабеллиги | Фойда / ўртача тортилган активлар | 1,0% |
| Фоизли маржа | (Фоизли даромадлар – фоизли харажатлар) / ўртача тортилган даромад келтирувчи активлар | 3,97 % |
| Капиталнинг ўртача тортилган рентабеллиги | Фойда / капиталнинг ўртача қиймати | 13,6 % |
| Ишлаётган активлар улуши | Даромад келтирувчи активлар/жами банк активлари | 86,7% |
| Капиталнинг етарлилик коэффициенти | Таваккалчиликка асосланган капиталнинг тўғриланган умумий суммаси / Таваккалчиликни ҳисобга олгандаги активлар | 0,117 |

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ – универсал тижорат банки сифатида республиканинг барча ҳудудларидаги турли хил мижозларнинг банк хизматларига бўлган талабларини кенг миқёсдаги хизматлар кўрсатиш йўли билан қондириб келмоқда. Банк омонатчилар, мижозлар ва акциядорлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахслардан жалб қилинган пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига самарадорлигини кўзлаб йўналтирмоқда ва шу билан бирга мамлакат иқтисодиётини ривожланишига кўмаклашмоқда.

Ўз ва бошқа ресурс манбааларини шакллантириш мақсадида Банк томонидан кўрилган чоралар Банк активларига йўналтирилган маблағларнинг ҳажмини ўсишига ижобий таъсирини кўрсатди.

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини амалга ошириш учун Банк ресурс базаси қуйидагилар ҳисобига шакллантирилди:

- аҳолининг омонатлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағлари;
- халқаро молия бозорларидан жалб қилинган қарзлар;
- марказлаштирилган кредит линиялари;
- қимматли қоғозларни жойлаштириш ҳисобига келиб тушган маблағлар;
- бошқа манбалар.

2011 йилда молиявий ресурсларнинг умумий ҳажми 1490,4 млрд.сўмга кўпайди ва 3235,6 млрд.сўмни ташкил қилди.

Банк мажбуриятлари таркибида юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари энг катта улушни, яъни 46,9% ёки 1516,8 млрд.сўмни ташкил этди. Уларнинг ҳажми ҳисобот


даврида 610,1 млрд.сўмга ортди. Шунингдек, кредит ташкилотларидан 1386,4 млрд.сўм (42,8%) жалб қилинган бўлиб, шундан нобанк молия муассасалари ресурслари – 898,0 млрд.сўмни, бошқа банкларнинг кредит линиялари – 474,0 млрд.сўмни, Марказий банк маблағлари - 7,0 млрд.сўмни, Молия вазирлиги ресурслари – 3,4 млрд.сўмни, нобюджет фондлар маблағлари – 0,4 млрд.сўмни ва бошқа кредиторлар ресурслари – 3,6 млрд.сўмни ташкил қилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ мажбуриятларининг таркиби


млрд.сўм

| Моддалар | 01.01. 2011й. | 01.01. 2012й. |
|---|------------------|------------------|
| Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар | 411,3 | 781,8 |
| Жамғарма депозитлар | 9,3 | 21,7 |
| Муддатли депозитлар | 108,0 | 157,1 |
| Бошқа банклардан жалб қилинган депозитлар | 99,8 | 110,8 |
| Бошқа банкларнинг кредитлари | 206,5 | 474,0 |
| Марказий банк кредитлари | 11,8 | 7,0 |
| Бошқа мижозлар кредитлари | 394,1 | 905,4 |
| Мижозларнинг бошқа депозитлари | 280,9 | 449,1 |
| Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар | 21,8 | 45,6 |
| Бошқа мажбуриятлар | 201,7 | 283,1 |
| Жами | 1 745,2 | 3 235,6 |

01.01.2011й. ҳолатига кўра "Ўзсаноатқурилишбанк" пассивларининг таркиби



01.01.2012й. ҳолатига кўра "Ўзсаноатқурилишбанк" пассивларининг таркиби



Ҳисобот йилида банк активларининг ортиши банк даромадларининг ўсишига ёрдам берди.

Даромадларнинг таркиби (млрд. сўм)

| Даромадлар | 01.01.2011 | 01.01.2012 |
|--|------------|------------|
| Бошқа банклардаги ҳисоб рақамлар | 0,05 | 1,98 |
| Кредит амалиётлари | 101,41 | 129,17 |
| Хорижий валютадаги амалиётлар | 21,19 | 28,04 |
| Ҳисоб-касса хизматлари | 60,46 | 77,79 |
| Қимматли қоғозлар билан амалиётлардан олинган даромадлар | 3,71 | 4,05 |
| Бошқа даромадлар | 4,0 | 9,04 |
| Жами | 190,82 | 250,07 |

2010й. даги даромадлар таркиби, млрд. сўм (филиаллараро даромадларни қўшмаганда)



2011й. даги даромадлар таркиби, млрд. сўм (филиаллараро даромадларни қўшмаганда)



МИЖОЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида, филиаллар тармоғини ривожлантириш билан биргаликда, миждозлар сонини оширишга йўналтирилган сиёсатни амалга оширмоқда.

Пухта ўйланган ва янгиликларни жорий қилишга йўналтирилган молиявий сиёсат, банк ишининг мумтоз анъаналари, сифатли бошқарув, янги технологиялар ва инновация ғояларини амалда тадбиқ этилиши миждозларнинг банкка бўлган ишончини янада ошириб, унинг мавқеини янада мустаҳкамлайди. Банкнинг хусусий капитали – кўрсатилаётган банк хизматлари хажми ва турларини кўпайиб боришини, банкнинг барқарорлигини таъминлайдиган асосий гаров ҳисобланади.

Миждозлар базасини мустаҳкамлаш банк фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. 2012 йил 1 январ ҳолатига банк тизимида 36,3 мингдан зиёд корпоратив миждозларга, жумладан, хусусий ва қўшма корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқа миждозларга хизмат кўрсатилмоқда. Банкда иқтисодийнинг турли тармоқ ва мулкчилик шаклларига мансуб миждозларга хизмат кўрсатилиб, хусусан республиканинг нефт- газ, кимё, ёнилғи-энергетика, машинасозлик, қурилиш мажмуалари корхоналари, йирик транспорт ва савдо ташкилотлари, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи компаниялар йирик миждозлар ҳисобланади. 2012 йил 1 январ ҳолатига “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг хусусий миждозлари сони 889,3 мингдан ортди. Банк мутахассислари ҳар бир миждозга алоҳида ёндашган ҳолда ва “Миждоз банк учун эмас, балки банк миждоз учун” тамойилига қатъий амал қилиб, миждозларнинг кенг кўламдаги ва турфа хил муаммоларини хал қилишда юксак малакали ёрдам кўрсатадилар.

Миждозларга қулай манзилларда хизмат кўрсатиш мақсадида, 78 та мини банк (шундан 5таси 2011 йилда очилган: банкнинг Амир Темур филиалида “Спитамен”, МАМФ да “Бек-Тўпи”, Хоразм минтақавий филиалида “Хива”, Қашқадарё минтақавий филиалида “Ёрқўрғон” ва Бухоро минтақавий филиалининг Тўқимачилик филиалида “Навқирон”) фаолият кўрсатиб, 8,9 мингта миждознинг пул маблағларини тезкор равишда бошқариш имконияти яратилди. Барча мини банкларда сифатли хизмат кўрсатилиши ва миждозларнинг вақтини тежалиши - банк тармоқларининг мавқеини янада мустаҳкамлади.

Доимий ва амалий мулоқот, миждозларнинг муаммолари ва эҳтиёжларига диққат билан эътиборни қаратиш, қарорларни тезкор қабул қилиниши ва ахборотларнинг очиқ-ойдинлиги банк ва миждозлар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатишнинг асосий тамойилларидир. Банк фаолиятига доир барча муҳим маълумотларни миждозларга тезкор равишда етказиш мақсадида, молиявий ҳисоботлар, аудитор хулосалари, рейтинг агентликларининг баҳолари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди ва янги хизмат турларини кенг миқёсда тарғибот қилиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, миждозлар билан интернет тизими орқали ўзаро фаол алоқани таъминлаш учун, банкнинг корпоратив веб-сайтида мунтазам равишда банк фаолиятига оид янги ахборотлар жойлаштирилди ҳамда оммавий ахборот воситаларида янги банк хизматлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ мутахассислари бевосита банк хизматларини амалга жорий қилиш билан бир вақтда, муайян иш билан шуғулланаётган барча таркибий бўлинмалар фаолиятини имкон қадар ўзаро самарали тарзда уйғунлаштирмоқдалар. Кредит ҳужжатларини расмийлаштириш ёки сармояларни жалб қилиш учун бизнес-режа тузиш, шунингдек ташқи савдо ҳужжатларини тайёрлаш, инвестиция фаолиятини ташкиллаштириш, касса хизматлари кўрсатиш ва энг янги ахборотлардан фойдаланишда миждозларга юқори сифатли консалтинг хизматлари кўрсатилиши кафолатланади. Бундан ташқари, миждозларга банкнинг тегишли бўлинмалари билан шартномаларини техник равишда расмийлаштириш учун ҳам ёрдам кўрсатилмоқда. Бу эса, банк ва миждозларнинг ўзаро ишларида энг юқори самарадорликка эришиш, улар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун имкониятлар яратади.

Банкнинг аҳоли омонатлари бозоридаги кўп йиллик иш тажрибаси, банк хизматларидан аксарият худудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаётган филиаллар ва жамғарма кассалар тармоғи, омонат тўплашда аҳоли турли қатламларининг шаклланиб улгурган одатлари ва сабаблари - жамғарма кассаларда мижозларнинг йирик базасини шаклланишига ҳамда омонат турларининг мунтазам равишда янгиланиб ва ривожланиб боришига сабаб бўлди.

Банклардаги депозит ҳисоб рақамларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш бўйича ҳукумат қарорларини бажарар экан, Банк муддатли ва жамғарма депозитларига маблағларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратади. Ҳисобот йилида омонатларнинг умумий суммасидаги аҳоли омонатларининг улуши 61,3 фоизни ташкил қилди.

Банк депозитларига мунтазам равишда жалб қилиб келинаётган аҳоли бўш пул маблағлари банк ресурс базасини орттиришга кўмаклашмоқда. 2011 йил давомида жисмоний шахслар учун миллий валютадаги 9 та янги жозибатор омонат турлари, жумладан сақлаш муддатлари мос равишда 3 ва 12 ой ҳамда 5 ва 150 кун бўлган “Ҳамкорлик”, “Кўклам”, “Наврўзи олам”, “Юксалиш”, “Ривож”, “Тинчлик”, “Имкон”, “Лидер” ва “Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги” омонатлари йўлга қўйилди.

Аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича фаолиятларини фаоллаштирган ҳолда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ аҳолининг таклиф қилинаётган банк хизматлари тўғрисидаги хабардорлигини жиддий равишда кенгайтди.

Электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлари фойдаланувчиларидан бевосита истиқомат қилаётган жойларида тўловларни қабул қилиш учун сайёр кассалар ташкил этилди.

Натижада, 2011 йилда коммунал ва бошқа пуллик хизматлар учун аҳолидан жами 299,4 млрд.сўмлик тўловлар қабул қилинди, бу аввалги йилнинг тегишли даврига нисбатан 45,6 фоиз кўп демакдир.

2012 йил 1 январ ҳолатига банк филиалларида бошқа омонат амалиётлари билан биргаликда аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун нақд пул маблағларини қабул қилишни амалга оширадиган 155 та жамғарма касса (7 таси ҳисобот йилида очилган) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябридаги 511-сонли “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоблар механизмини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ фақат коммунал ва бошқа пуллик хизматлар тўловларини қабул қиладиган 82 та махсус касса (13 таси ўтган йилда очилган) фаолият кўрсатмоқда.

2011 йил 1 январ ҳолатига аҳолининг миллий ва хорижий валютадаги омонатлари 215,7 млрд.сўмга етди, бу ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан (204,0 млрд. сўм) 11,7 млрд. сўм кўп демакдир.

Банкнинг эркин конвертациядаги валюта ресурслар базасини купайтириш учун жисмоний шахсларнинг омонатларига хорижий валютани жалб қилиш бўйича ишлар ўтказилди. 2012 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра уларнинг қолдиғи 9,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Жисмоний шахслар хизматида бўлган маҳсулотлар қаторининг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида Банк томонидан мақсадли мижозлар сегментига йўналтирилган янги омонат турлари мунтазам равишда таклиф қилиб борилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ “Банклардаги фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш жамғармаси”нинг аъзоси ҳисобланади. Аҳолининг “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБга жойлаштирилган омонатлари ушбу жамғарма томонидан кафолатланади.

Банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг қулай бўлиши ва яққол кўришиб туриши учун барча жамғарма кассалари, мини-банкларда аҳолига такдим этилаётган амалдаги омонатлар тўғрисидаги маълумотлар, банк амалиётларини ўтказиш учун бланкаларни тўлдириш намуналари ҳамда Марказий банк ва “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ “Ишонч телефонлари” бериладиган стендлар яққол кўзга ташланадиган жойга жойлаштирилган. Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда янги омонат турлари ва кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида маълумотлар чоп қилиб борилади.

Янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқишда доимо чакана банк хизматлари минтақавий бозорининг конъюнктураси ҳамда мижозларнинг талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги “Республика тижорат банклари орасида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-991-сонли Қарорига мувофиқ банк ҳар йили ушбу тадбирда иштирок этади.

2011 йил якунлари бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ “Энг яхши инновацион маҳсулот” номинациясида ғолиб деб топилди. Шунингдек “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ нинг Амир Темур филиалининг “Спитамен” минибанки “Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича энг яхши минибанки” номинациясида I – ўрин ғолиби деб топилди. Танлов совриндорлари қаторида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ нинг Олмалик филиалининг I-сонли жамғарма кассаси “Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича энг яхши жамағарма касса” номинациясида II – ўрин ғолиби деб топилди.

Мазкур кўрик-танловда иштирок этиш банкнинг аҳолидан бўш пул маблағларини жалб қилиш бўйича фаолиятини анчагина кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Пул ўтказмалари

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз мижозларига халқаро пул ўтказмалари бўйича арзон, қулай ва ишончли хизматлар кўрсатиб келмоқда.

2002 йилдан эътиборан шу кунга қадар, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Ўзбекистоннинг пул ўтказмалари бозорида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, ўз мижозларига бир вақтнинг ўзида “Contact”, “Migom”, “Interexpress”, “Blizko”, “Western union”, “UNistream”, “Золотая Корона”, “Лидер”, “Быстрая почта” каби халқаро пул ўтказмаларини тақдим қилмоқда. Бу эса банкка турли хил географик минтақаларни қамраб олиш имкониятини яратиб, мазкур тизимлар фойдаланувчиларига (мижозларига) қўшимча қулайликлар туғдирди. Шу билан бир вақтда, пул ўтказмаларининг тезкор амалга оширилиши, уларнинг хавфсизлиги ва юқори бўлмаган хизмат ҳақлари – мазкур тизимларга эҳтиёж борлигини исботлади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ филиалларида жойлашган жамғарма кассалари орқали “Contact”, “Migom”, “Interexpress”, “Blizko”, “Western union”, “UNistream”, “Золотая Корона”, “Лидер”, “Быстрая почта” тизимлари бўйича халқаро пул ўтказмаларидан аҳоли томонидан жуда кенг даражада фойдаланиб келинмоқда.

Халқаро пул ўтказмаларига талабнинг айнаи вақтда изчил ўсиб бораётганлиги учун мазкур хизматни ривожлантириш чакана хизматлар кўрсатиш борасидаги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Пул ўтказмаларининг географик ҳудудларини кенгайтириши – мазкур йўналишни ривожланиш суръатини сақлаш қолиш билан биргаликда, ундан олинadиган даромадларни бир неча баробарга ошириш имкониятини яратади.

Чакана хизматлар бизнесини янада ривожлантириш

Аҳолининг банк маҳсулотлари ва хизматларига нисбатан ўсиб бораётган талабларини ҳисобга олиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари шаклидаги чакана кредитлаш дастурини фаол ривожлантирмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий масалаларни хал қилиш ва мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланиши истиқболларини белгилаш билан бир қаторда, республикамиз Ҳукумати томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармонида кўра, банк ёш оилаларга турар-жой харид қилиш учун имтиёзли ипотека кредитлари, узоқ вақт давомида фойдаланиладиган буюмлар сотиб олиш учун молиявий истеъмол кредитлари ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун микрокредитлар ажратиш йўли билан, уларни молиялаштириш ишларини янада фаоллаштирди. 2011 йилда ёш

оилаларга имтиёз асосида 17,0 млрд.сўмлик кредитлар, жумладан 9,8 млрд.сўмлик ипотека кредитлари, 5,6 млрд.сўмлик истеъмол кредитлари ва 1,6 млрд.сўмлик микрокредитлар берилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ўқув юртларида шартнома-тўлов асосида таълим олаётган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ҳисобот йилида 1,3 млрд. сўм миқдоридаги таълим кредитлари ажратилди.

Банк карточкалари

Чакана хизматлар янги шаклларининг кенгайиши доирасида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ пластик карточкалари бўйича кўрсатиладиган хизматлар тобора ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги 433-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йил 1 январ ҳолатига банк томонидан 757,1 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди, 5,4 минг дона, жумладан савдо нуқталарига 5,1 минг дона, 240 та жамғарма кассаларда ва мини банкларда терминаллар ўрнатилди. Бундан ташқари, аҳолини нақд пул маблағлари билан таъминлаш учун 23 та банкомат ишламоқда.

2010 йил мобайнида банкнинг пластик карточкалари орқали пул айланмаси 477,7 млрд.сўмни ташкил қилди, бу аввалги ҳисобот йилига нисбатан 114,2 млрд. сўм кўп демакдир. Жумладан савдо шохобчалари ва банк хизматлари кўрсатиладиган жойларда 431,8 млрд.сўмлик тўловлар амалга оширилди, бу 2011 йилнинг 1 январидидаги ҳолатга нисбатан 105,9 млрд.сўм кўпдир. Банк пластик карточкалари орқали бажарилган транзакциялар сони эса 2012 йилнинг 1 январига келиб 13,5 млн.тадан иборат бўлди, улардан 13,0 млн.таси ёки 96,7% савдо нуқталарида, 437,8 мингтаси ёки 3,3% эса жамғарма кассалардаги транзакциялардир. Шу билан бирга 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра банк пластик карточкалари орқали бажарилган транзакциялар сони 12,9 млн. тани, жумладан, савдо нуқталарида – 12,5 млн. тани ва жамғарма кассаларида – 435,5 млн. тани ташкил қилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг ҳамма филиаллари томонидан савдо ва сервис нуқталарида ўрнатилган VISA терминаллари орқали бошқа тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган DUET тизимидаги пластик карточкаларга ҳам хизмат кўрсатилмоқда. 2012 йил 1 январ ҳолатига DUET тизимидаги пластик карточкалари орқали қабул қилинган тўловлар 155,1 млрд.сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан 33,0 млрд.сўмга ортди.

Савдо нуқталарига ўрнатилган терминаллар мунтазам равишда инвентаризациядан ўтказилиб, транзакциялар умуман амалга оширилмаётган ёки кам миқдорда бажарилаётган терминаллар бошқа жойларга қайта ўрнатилмоқда. Шунингдек, иш хақи лойиҳалари доирасида муомалага чиқарилган пластик карточкаларга ишчиларнинг ойлик иш ҳақлари ўз вақтида ўтказилмоқда. Савдо тармоқларида пластик карточкалардан янада кўпроқ фойдаланиш ва унинг афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йилда пластик карточкаларга кирим қилинган маблағлар 504,7 млрд.сўмни ташкил қилиб, аввалги йилга нисбатан 57,6 млрд.сўмга ўсди.

Ўтган йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан янги банк маҳсулоти – пластик карточка эгаларига карточканинг олд томонига яқинлари, сеvimли шогирдларининг фотосуратлари ёки бошқа тасвирларни жойлаштиришга имкон берувчи Visa Picture Card пластик картчокаси йўлга қўйилди. Ҳисобот йилида Банк томонидан имтиёзли Visa Gold пластик карточкаларини чиқариш бошланди.

Банк филиалларида SMS-Banking хизматидан фойдаланувчи мижозлар сони ортди. Ушбу хизмат ўзининг асосий ҳамда қўшимча карточкалари бўйича транзакцияларни назорат қилиш имкониятини беради. Ҳар қандай амалиётни On-Line режимида ўтказганда карточка эгасининг

уяли телефонига амалиётнинг ўтказилганлиги ҳамда баланснинг жорий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар келтириладиган SMS хабари келади.


Пластик карточкалардан фойдаланишни янада қулайлаштириш учун Банк ходимлари томонидан уяли тўловлар тизимини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш бўйича ишлар ўтказилмоқда. Ушбу хизматни йўлга қўйиш Visa пластик карточкасини универсал тўлов воситасига айлантиради ва унинг қўлланиш соҳасини жиддий равишда кенгайтиради.

КРЕДИТ СИЁСАТИ


Банк маблағларни истиқболли инвестиция лойиҳалари, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни орттириш ва маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатилаётган корхоналар молиявий ҳолатларини соғломлаштиришга йўналтириладиган фаол кредит сиёсатини олиб боради.

2012 йил 1 январь ҳолатига Банк кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 889 млрд.сўмга ёки 62%га ўсиб, 2312 млрд.сўмга етди. Кредит сармоялари тўлиқ равишда иқтисодиётнинг реал секторига, жумладан 1546 млрд.сўми – саноатга, 244 млрд.сўми - қурилишга, 241 млрд.сўми - транспортга, 111 млрд.сўми - савдога, 40 млрд.сўми - қишлоқ хўжалигига, 4 млрд.сўми - аҳолига маиший хизмат кўрсатишга, 5 млрд.сўми – тузар жой - коммунал хизматларига ҳамда 121млрд.сўми - бошқа тармоқларга йўналтирилди.

01.01.2012й. Ҳолатига кўра иқтисодиёт тармоқлари бўйича кредит сармоялари




Кредит портфели динамикаси



“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ мамлакат иқтиқодиётининг таянч тармоғи корпоратив секторини энг аввало узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиялаштиришда фаол иштирок этади.

Кредит қўйилмалари таркибида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 83 фоизни ёки 1918 млрд. сўмдан ортиқни, қисқа муддатли кредитларнинг улуши эса 17 фоизни ёки 394 млрд. сўмни ташкил қилади.

Кредит портфелининг таркиби (%да)



Узоқ муддатли кредитлар

Қисқа муддатли кредитлар

Ҳисобот йилида Банк факторинг хизматларини тақдим қилган ва лизинг амалиётларини амалга оширган ҳолда иқтисодиётнинг реал секторига қўмаклашиш ва фаол тарзда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди.

2012 йил 1 январ ҳолатига кўрсатилган **факторинг хизматлари** 113,0 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш 27,8 фоизни ташкил қилди. 2012 йил 1 январ ҳолатига **лизинг амалиётлари** портфели 24,9 млрд.сўмдан иборат бўлиб, жумладан 8,0 млрд.сўми 2011 йилда амалга оширилди.

Банкнинг республикани ривожлантириш бўйича йирик иқтисодий ва ижтимоий дастурларни кредитлаш ва молиялаштиришда иштирок этиши “Кўнғирот сода заводи”, Тўбатегин калийли ўғитлар кони базасидаги “Дехқонобод калийли ўғитлар заводи”, сиқувчи компрессор станциялари қурилиши билан Памук ва Денгизқўл конларини ишга туширилиши, Ғузор-Сурхон юқори кучланишли линиясининг қурилиши, Навоий ИЭС, “Бухоро ЭС” ОАЖ, “Сирдарё ЭС” ОАЖ, “Навоий РЭС” ОАЖ, “Тошкент ЭС”ларда ПГУ қурилиши каби ўзига хос ва муҳим объектларни қуриш, модернизация қилиш ва замонавий жиҳозлар билан жиҳозлашга кўмаклашади.

Уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш бўйича иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Ушбу асосда ҳисобот йилида экспортга ишловчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун миллий валютада 361,6 млрд. сўм, хорижий валютада 113 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ажратилди.


Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш - банк фаолиятининг устувор йўналиши сифатида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш - кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” бўлган Ҳисобот йили мобайнида банк жалб қилинган ва ўз маблағлари ҳисобига, жумладан имтиёзли асосда кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш орқали, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширди.

Ҳукумат қарорларини бажариш доирасида кичик бизнес вакилларига 2011 йил давомида жами 298,9 млрд.сўмлик кредитлар ажратилиб, шундан 29,6 млрд.сўми микрокредитлардир.


Тармоқлар бўйича кўрадиган бўлсак, кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг 94,2 млрд.сўми (32%) - саноатни ривожлантиришга, 16,3 млрд.сўми (5%) – қишлоқ хўжалигига, 63,5 млрд.сўми (21%) – қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 80,9 млрд.сўми (27%) – айланма маблағларни тўлдиришга ва 44,0 млрд.сўми (15%) – бошқа тармоқларга йўналтирилди. Кичик бизнес вакилларига берилган кредит ҳисобига 8,2 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнесга берилган кредитларнинг йиллар бўйича динамикаси (млн. сўм)



Микрокредитларни ҳам тармоқлар мисолида таҳлил қилсак, 5,9 млрд.сўми (20%) - саноатни ривожлантиришга, 3,1 млрд.сўми (10%) – қишлоқ хўжалигига, 5,8 млрд.сўми (20%) – қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 10,3 млрд.сўми (35%) – айланма маблағларни тўлдиришга ва 4,5 млрд.сўми (15%) – бошқа тармоқларга йўналтирилганлиги кўриш мумкин. Берилган микрокредитлар ҳисобига 2,3 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Берилган микрокредитлар динамикаси (млн. сўм)



Ҳисобот йилида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадларига 17,6 млрд.сўмлик кредитлар берилди.

Шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан 18 млрд.сўм миқдорида микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини юқори технологияларни ва инновацияларни жорий қилишга доир лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш махус жамғармаси шакллантирилди. Мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 46,6 млрд.сўмлик, жумладан 2011 йилда 5,5 млрд.сўмлик кредитлар ажратилди.

2011 йил мобайнида чорвачиликни кенгайтириш учун 5,1 млрд.сўмлик, парранда етиштиришни ривожлантириш учун эса 4,6 млрд.сўмлик кредитлар берилди.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг 25,0 млрд.сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли “Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган тадбирлар режасини бажариш бўйича истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар, фермер хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга 59,5 млрд.сўмлик кредитлар берилди, жумладан:

- истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга хом-ашё ва материалларни харид қилиш учун 40,0 млрд. сўм, технологик жиҳозларни сотиб олиш учун 17,5 млрд. сўм, лизинг шартлари асосида молиялаштириш учун 0,3 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди;

- фермер хўжаликлари ва тадбиркорликнинг бошқа субъектларига 19 та иссиқхоналарни яратиш учун 1,7 млрд. сўм миқдоридаги кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 январдаги “Ноозик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли Қарорини ижро этиш борасида ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва улгуржи савдо корхоналарига жами 62,5 млрд.сўмлик кредитлар ажратилди, жумладан:

- технологик асбоб-ускуналар харид қилишга - 22,5 млрд.сўм;
- хом-ашё сотиб олишга - 32,8 млрд.сўм;
- улгуржи савдони ривожлантиришга - 7,2 млрд.сўм;

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига хорижий инвестицияларни фаол тарзда жалб қилиш ҳисобига ҳисобот йилида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан бир қатор лойиҳалар, жумладан, ИКРЧС Глобал молиялаштириш линияси бўйича ва немис банкларининг кредит линиялари ҳисобига молиялаштирилди

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ кўмагида амалга оширилган кичик бизнеснинг энг истиқболли лойиҳалари сирасига Андижон ва Наманган вилоятларида автомобилларга ёғилги ва газ қўйиш бўйича замонавий станцияларни ташкиллаштириш, Тошкент шаҳрида юк ташиш хизматларини кўрсатиш, Хоразм вилоятида товук гўшти ва тухум ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Бухоро вилоятида гилам маҳсулотлари ва Тошкент шаҳрида полиэстер ипларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Тошкент шаҳрида мебеллар ва ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича бир қатор лойиҳаларни киритиш мумкин.

Кичик бизнес субъектлари инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши туфайли банкнинг бевосита кўмагида Республика корхоналари замонавий технологик жиҳозларни олдилар, янги иш ўринлари яратилди.

Хорижий банкларнинг кредит линияларини ўзлаштириш бўйича давлат Инвестиция дастурининг башорат кўрсаткичлари тўлалигича бажарилди.

Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш учун хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича ўтказилаётган ишлар доирасида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан истиқболли лойиҳаларни танлаш ва молиялаштириш бўйича ишлар доимий асосда ўтказиб келинмоқда.

ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Иқтисодийнинг реал секторига сармоялар – янгиланиш ва тараққиёт воситаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодийни реал секторига инвестиция жараёнларини фаоллаштиришда тижорат банклари иштирокини кучайтиришга йўналтирилган топшириқлари ва дастурий кўрсатмалари ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан ҳисобот йилида миллий ва хорижий валютада иқтисодийнинг реал сектори корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаол ишлар давом эттирилди. Бунда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, шунингдек Ўзбекистон иқтисодийнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳаларига эътибор кучайтирилди.

2011 йил якунлари “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБни яна бир бор иқтисодийни реал сектори корхоналарини ишончли ҳамкори эканлигини исботлади. Банк кредит портфели таркибидаги инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитлар улуши 1618,03 млрд.сўмга етди.

Молиялаштирилган кредитлар ичида чет эл банклари, халқаро молиявий муассасалар ва Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси маблағларини қайта молиялаштириш сифатида берилган хорижий валютадаги кредитлар салмоқли улушга эгадир. 2012 йил 1 январ ҳолатига хорижий валютадаги кредит қўйилмалари 2011 йил мобайнида ҳисобот йили бошидагига нисбатан 51%га ўсиб, 836,32 млн.АҚШ долл.га етди.

Хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 96 фоизи ёки 799,12 млн.АҚШ долл. миқдоридаги қисми инвестиция мақсадларига йўналтирилган бўлиб, аввалги йилга нисбатан 49%га ўсди.

Ҳозирги вақтда модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича Давлат дастурлари, Ҳукуматлараро келишувлар ва Ўзбекистон Республикаси Раҳбарияти топшириқларига мувофиқ, нефт-газ, кимё, авиация саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, шунингдек коммунал хизматлар соҳасида бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар дастурининг ижросини таъминлаш борасида 2011 йилда банк томонидан “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Ўзкимёсаноат” ДАКнинг мамлакат учун иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган стратегик инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш давом эттирилди.

Молиялаштиришда 2011 йилда банк иштирок этган муҳим лойиҳаларга қуйидагилар қиради: “Дехқонобод калийли ўғитлар заводида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, “Ўзкимёсаноат” ДАК”, “Ангрен очик конини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда Янги Ангрен ИЭСни йил давомида кўмир ёқишга ўтказиш, “Ўзбекэнерго” ДАК”, “Сирдарё ва Толимаржон ИЭС га детандер-генераторларини ўрнатиш”, “370-400 МВт қувватли буғ-газли қурилма блокининг қурилиши билан Навоий ИЭСнинг кенгайтириш, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Жанубий Кемачи” конини жиҳозлаш, “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Шўртаннефтегаз” УШКда пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг қурилиши” (5-навбат), “Сурғил конини жиҳозлаш билан кон асосида Устюрт ГХКнинг қурилиши, “Ўзбекнефтегаз” МХК”.

Умуман олганда, 2011 йилда Банк томонидан саноатнинг устувор соҳаларига оид стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий валютада 426,92 млн.АҚШ долл. хажмида маблағлар ажратилиб, улардан 281,78 млн. АҚШ доллари – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг, 145,14 млн.АҚШ долл. – Хитой банкларининг кредит линиялари ҳисобига молиялаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қайта молиялаштирилаётган Хитой банклари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўртасида тузилган Ҳукуматлараро келишув доирасида жалб қилинмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Хитой

Халқ Республикаси Ҳукуматининг имтиёзли кредит линиясини қайта молиялаштирилишида етакчи бўғин ҳисобланади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ шунингдек, Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси маблағларини қайта молиялаштирувчи йирик банк сифатида танлаб олинган. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг иқтисодий реал секторига ва қайта молиялаштирувчи йирик банк сифатида, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБга қўйилмалари юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолган ҳолда, ҳар йили энг камида 30%га ортмоқда.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш

Республика Инвестициялар лойиҳасининг энг фаол ижрочиларидан бири сифатида Банк томонидан капитал қурилиш соҳаси корхоналарига молиялаштириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва тўловларни ўтказишдан бошлаб, молиялаштирилаётган объект қурилиши бўйича муҳандислик хизматлари кўрсатишгача бўлган хизматлар комплекси шартнома асосида тақдим этилмоқда.

Капитал қурилиш ва таъмирлаш объектлари бўйича ҳисоботлар маълумотлари тўғрилигини текшириш ва назорат ўлчовларини ўтказиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва хизматлар соҳаси объектлари бўйича капитал қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари устидан техник назоратни амалга оширишда ёрдам кўрсатишни ўз ичига олувчи муҳандислик хизматлари ҳамда консалтинг хизматлари - мижозлар билан бир қаторда бошқа банклар мижозларига ҳам кўрсатилмоқда.

Иқтисодий-муҳандислик ишлари борасида бир неча ўн йиллар давомида шаклланган тажриба - юксак даражада сифатли хизматлар кўрсатилишини кафолатлайди. Ҳисобот йилида мижозлар буюртмаларига кўра 2,7 трлн.сўмлик бажарилган ишлар бўйича назорат ўлчови ўтказиш юзасидан 500 дан ортиқ шартнома тузилди. Назорат ўлчовини ўтказиш натижасида 1,7 трлн. сўм суммасидаги даромад олинди.

Объектларни “калители билан” шартнома асосида қурилишини амалга ошираётган, иқтисодий салоҳиятли корхоналарга, Ўзсаноатқурилишбанк тендер танловларида иштирок этиш ва пудрат шартномасини бажарилишини таъминлаш бўйича кафолатлар бериш, шунингдек уларга жорий харажатлар ва айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар ажратиш йўли билан кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январидagi 2-сонли “Ижтимоий ривожлантириш, энг аввало таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари моддий-техника базаларини ва жиҳозланганлигини мустаҳкамлаш масаласининг янада истиқболли ҳал қилиш” тўғрисидаги Қарорини бажариш мақсадида 2011 йилда банк томонидан 334 та ташкилотга, жумладан халқ таълими объектлари бўйича 280 та пудратчи ташкилотга танлов аризасини таъминлаш учун 0,6 млрд. сўм ва айланма маблағларни тўлдиришга 54,2 млрд. сўм; соғлиқни сақлаш объектлари бўйича 54 та пудратчи ташкилотга танлов аризасини таъминлаш учун 14,5 млрд. сўм ва айланма маблағларни тўлдиришга 15,4 млрд. сўм миқдоридagi кафолатлар ва кафилликлар берилди.

Бундан ташқари Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Навоий вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматларининг экспорт салоҳиятини орттириш учун ҳисобот йилида меҳмонхона ва ресторанлар қурилиши ишларини олиб боровчи пудратчи ташкилотларга кредит ёрдами кўрсатилди.

Ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Қорақолпоғистон Республикасида турар жойларни қуриш ва қайта таъмирлаш ишларини амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни ипотека остида кредитлаштирди.

Корхоналарни молиявий соғломлаштириш

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ 2011 йилдаги фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида ўзининг балансига берилган иқтисодий ночор корхоналарни қайта тиклашга янги ёндашув бўлди. Йўлга қўйилган механизм бундай корхоналардаги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштиришга қўшимча сармоялар киритишни кўзда тутди. Рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқарувнинг замонавий усуллари кўллаш янги иш ўринларини яратишга кўмаклашади. Янгиланган корхоналар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш уларни хорижий стратегик инвесторлар учун жозибадор қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз балансига республиканинг турли минтақаларидаги 15 та банкрот корхоналарни қабул қилди. Жумладан, “Балиқчитекс”, “Uz Bottlers Group” қўшма корхоналари, “Балиқчитекстиль”, “Кувасой чинниси”, “Туямуюнсувқурилиш” очик акциядорлик жамиятлари, “Хўжайли текстиль”, “Хазорасп гилами”, “Хоразм боғот қурилиш” масъулияти чекланган жамиятлари, “Туямўнғишт”, “Туямўйин материаллари таъминоти тобе жамияти” шўъба корхоналари ва бошқалар. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш йўналишлари турлича – тўқимачилик, гиламчилик, қурилиш материаллари ва бошқа соҳалар. Улар асосида ишлаб чиқариш йўналишини аниқ белгилаган ҳолда 8 та янги корхона яратилди.

Банк балансига қабул қилинган корхоналарни техник ва технологик жиҳозлаш учун янги “PSB Industrial Investments” МЧЖ бошқарув инвестиция компанияси яратилди ва ушбу корхоналар унинг ишончли бошқарувига берилди.

Иқтисодий ночор корхоналарни банк балансига қабул қилинган вақтдан бошлаб банк томонидан уларни молиявий соғломлаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Режалаштирилган 51,8 млрд. сўм ўрнига ҳисобот йилининг охиригача ушбу ишлаб чиқаришларга 54,5 млрд. сўм миқдоридаги маблағ сармоя қилинди. Молиявий киритмалар туфайли корхоналарнинг навбатдаги тўловлар ва иш ҳақи бўйича қарзлари сўндирилди, ишлаб чиқариш участкалари замонавий жиҳозлар ва технологик линиялар билан жиҳозланди. Иқтисодий ночор корхоналарни қайта тиклашда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг иштирок этиши иш ўринларини сақлаб қолиш ва қўшимча 1130 та иш ўрни яратиш имкониятини берди.

Банкрот корхоналар мулклари асосида яратилган корхоналарда 37,1 млрд. сўмдан ортиқ суммадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. 8,0 млн. АҚШ долларидадан ортиқ суммадаги маҳсулотлар экспорт қилинди (Россия ва Хитойга).

Банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини биргаликда қайта тиклаш учун стратегик ҳамкорларни, жумладан хорижий ҳамкорларни кейинчалик уларга корхоналарни бозор нархларида сотиш мақсадида жалб қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда банк томонидан ажратилган сармоялар ҳисобига 10 та банкрот корхоналар мулклари асосида яратилган 5 та корхона қайтадан тикланди. Улардан 4 та корхона стратегик инвесторларга сотилди, жумладан:

- “PSB-Anteks Group” МЧЖ
- “Nazorasp Roof” МЧЖ
- «Khorezm bricks» МЧЖ
- “Khorezm Global Construction” МЧЖ

ХАЛҚАРО ВАКИЛЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ чет эл ва республиканинг етакчи кредит ва молиявий ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда, мижозларга халқаро ҳисоб-китоблар соҳасида кенг кўламдаги хизматларни таклиф қилмоқда ва уларга янада қулай шартларда хизмат кўрсатилишини таъминламоқда.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ 350 дан зиёд банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатган бўлиб, уларнинг қаторида жаҳоннинг 50 давлатида фаолият кўрсатаётган 338 банкни, жумладан UBS AG, Credit Suisse AG, Commerzbank AG, Citibank N.A., JP Morgan Chase Bank N.A., Standard Chartered Bank NY, BNP Paribas S.A. каби европа ва американинг биринчи синфга мансуб банкларини санаб ўтиш мумкин. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ, хорижий банклар томонидан тан олинган ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган банк сифатида, ўз мижозларига ташқи иқтисодий фаолият бўйича комплекс хизматлар кўрсатиши, малакали маслаҳатлар бериши, зарур ҳолларда алоҳида ҳисоб-китоблар схемаларини ишлаб чиқиши, унинг халқаро молиявий бозордаги юксак мавқеидан дарак беради.

Экспорт ва импорт амалиётлари

2012 йил 1 январ ҳолатига “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ тизимида қуйидаги шартномалар рўйхатга олинган:

- 3660 та экспорт шартномалари, шундан 1142 таси 2011 йилда рўйхатга олинган. Мазкур шартномаларга асосан республикага жами 10,2 млрд.АҚШ долл., шундан 2011 йилда 3,8 млрд.АҚШ долл. ҳажмида валюта маблағлари келиб тушди;

- 6610 импорт шартномалари, улардан 2072 таси 2011 йилда рўйхатга олинган.

Экспорт қилувчи корхоналарга сифатли хизматлар кўрсатиш - банкнинг 2011 йилдаги устувор йўналишларидан бири бўлди. Валюта тушумидан 50% ҳажмидаги мажбурий сотув ва банкнинг жалб қилинган маблағлари - ички валюта бозорини тўлдиришни асосий манбаси эканлигини ҳисобга олиб, банк томонидан экспорт тушумларини янада кўпайтириш ва мажбурий сотув прогнозларини бажарилишига қатта эътибор берилди. Валюта тушумининг мажбурий сотуви прогнозининг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилганига нисбатан 133,2% ни ташкил қилди.

Документар амалиётлар

Документар амалиётлар – банк тизимининг халқаро ҳисоб-китоб тўловлари соҳасидаги муҳим восита бўлиб саналади ва контрагентлар ўртасидаги тўғри муносабатлар ўрнатилишига имкон беради.

Экспорт ва импорт аккредитивлари ҳажмининг сезиларли даражада кўпайтирилганлиги туфайли 2011 йил муваффақиятли кечганлигини таъкидлаш жоиз. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБни ўз фаолиятида энг аввал, 600-сонли МТП, Парижда 2007 й. чоп этилган Документар аккредитивлар учун ягона кўринишга келтирилган қоидалар ва одатлар тўпламига асосланади.

Банкнинг ишончли ҳамкор сифатидаги барқарор мавқеини инобатга олган ҳолда, унинг аккредитивлари ва инкассолари жаҳоннинг барча етакчи банклари томонидан, Банк лимитлари ва кредит линиялари ҳисобидан қабул қилинади; мазкур лимит ва кредит линияларнинг умумий қиймати 420 млн. АҚШ доллардан ортик.

Ҳисоб-китобларнинг документар кўринишларини қўллаш ҳисобига операциялар самарадорлигини ошириш, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг мижозлари ва вакил банклари учун ишбилармонлик бўйича янги ҳамкорларни жалб қилиш, савдо-иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва бажариладиган операциялар ҳажмини кенгайтиришнинг имконини яратади. Аксарият хорижий банклар, айниқса Россия, Европа ва Хитойнинг энг йирик банклари Банк билан документар операциялар соҳасида иш юритиш ниятини билдирмоқда. Айни вақтда Россия бенефициарларининг фойдасига аккредитивларни тасдиқлаш бўйича Внешторгбанк, Промсвязьбанк ва Связьбанк каби нуфузли банклар билан иш юритиш йўлга қўйилди.

Документар амалиётлар мижозларнинг топшириқлари бўйича АҚШ доллари, Россия рубли, инглиз фунт стерлинги ва япон йеналарида очилади.

2011 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ўртасида калий казиб олишни купайтириш бўйича заводни молиялаштириш тўғрисида келишувга эришилди ва Хитойнинг ЕХИМ кредит линияси ҳисобига СИТЭС компанияси билан аккредитив очилди.

“Тошшахартрансхизмат” давлат корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари ҳисобига 20 та трамвай сотиб олишга аккредитив очилди.

Документар аккредитивлар “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан нуфузли хорижий банкларнинг кредит линиялари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг кредитларини жалб қилиш ҳамда банкнинг ўз маблағлари ҳисобига қўйилади.

2011 йилда документар операциялари соҳасида Россиянинг энг йирик банклари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ишлар давом эттирилди, документар аккредитивларни Россия рублларида ва АҚШ долларларида тасдиқлаш ишлари йўлга қўйилди. Вакиллик ҳисоб рақамларининг очилиши документар аккредитивларнинг бошқа Россия банклари томонидан авизоланиши имконини яратади. Жаҳоннинг етакчи банклари билан вакиллик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Дилинг операциялари

2011 йил давомида дилинг операциялари бўйича ишлар энг юқори самарадорликни ва алоҳида ёндашувни таъминловчи мижозларнинг юқори сифатли банк хизматларига бўлган эҳтиёжлари асосида амалга оширилди. Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳозирги вақтда Европа ва Американинг нуфузли банклари томонидан кенг қўлланиб келинаётган Thomson Reuters EIKON ахборот-таҳлил тизимидан фойдалана бошлади. Охири янгиланишлар бозор конъюнктураси ва мавжуд бозор шароитлари ўзгаришига тез суръатда жавоб бериш имконини яратди, бу эса банк мижозлари учун ўтказилаётган битимлар самарадорлигини ва оперативлигини юқори даражада бўлишини таъминлади.

Ҳозирги вақтда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ валюта дилинги соҳасида қуйидаги молиявий маҳсулотларни тақдим этмоқда:

- ҳамкор банклар ва корпоратив мижозларнинг асосий эркин конвертациядаги валюта (USD, EUR, JPY, GBP, RUB) пул маблағларини жалб қилиш, ҳамда банклараро пул бозорининг (Money Market) жорий ставкалари бўйича уларни турли муддатларга жойлаштириш;

- USD, EUR, JPY, GBP, RUB каби асосий жаҳон валюталари бўйича, СПОТ муддатли етказиб бериш, шунингдек бир неча валюталар билан ишловчи мижозлар учун валюта хатарларини хеджир қилиш имконини берувчи ФОРВАРД тоифадаги конверсияли операцияларни амалга ошириш шартлари бўйича конверсион операцияларини ҳалқаро валюта бозорида (FX Market) амалга ошириш;

- Pre payment шартлари остида маблағларни олдиндан тўлови бўйича ёки корреспондент ҳисобларидаги қолдиқларининг таъминланган линиялар чегараси доирасида чет эл банкноталарининг асосий турлари бўйича нақд бўлмаган шаклдаги чет эл валютасига нақд пулдаги чет эл валютасини (Banknotes Trading) сотиш-сотиб олиш (Банк-ҳамкорлар учун);

- Ҳақиқий вақт масштабида банк мижозларини кенгроқ хабардор қилиш мақсадида молиявий бозорнинг жорий мойилликлари ва талаб ҳамда таклиф, валюта жуфтликлари котировкаси тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш хизматларини таъкидлаш мумкин.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТ

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ фонд бозорининг фаол иштирокчиларидан биридир. Молиявий бозорнинг турли хил секторларига банкнинг қўйилмаларини самарали жойлаштириш унинг даромадлилиги ва барқарорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ қимматли қоғозлар чиқариш бўйича эмиссия амалиётларини фаоллик билан амалга ошириб келмоқда. Банк капиталини доимий ошириб бориш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябридаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Банк Кенгаши томонидан умумий қиймати

24,25 млрд.сўм бўлган Банк оддий акцияларини эмиссия қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу билан бир вақтда қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фаолиятини амалга оширган ҳолда Банк томонидан шахсий маблағларини узоқ муддатли инвестициялаш, қимматли қоғозларга портфел инвестициялар ҳажмларини ошириш, уларнинг даромадлилиги, ликвидлиги ва диверсификациясини ошириш бўйича истикболли лойиҳалар кўриб чиқилмоқда.

2011 йилда умумий қиймати 2,0 млрд. сўм бўлган муомала муддати икки йил бўлган 6 та давлат қимматли қоғозлари эмиссиялари бўйича маблағлар қайтадан сармоя қилинди.

2012 йил 1 январь ҳолатига Банкнинг инвестиция портфели 77,8 млрд.сўмни ташкил қилди (01.01.10й. ҳолатига – 55,1 млрд.сўм), улардан:

- 62,6 млрд. сўм (01.01.11й. ҳолатига – 35,8 млрд. сўм) – корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва Устав капиталларидаги улушларига қўйилмалар;
- 5,8 млрд.сўм (01.01.11й.ҳолатига – 11,3 млрд. сўм) – давлат қимматли қоғозлари;
- 9,4 млрд. сўм (01.01.11й. ҳолатига – 7,9 млрд. сўм) – узоқ муддатли корпоратив облигацияларни ташкил қилди;

Инвестицион портфел бўйича 2011 йил учун умумий даромад 4,05 млрд.сўмни ташкил қилди (01.01.11й.ҳолатига – 3,6 млрд.сўм).

Банк томонидан юридик шахслар учун чиқарилган муомала муддати 6 ойдан 36 ойгача бўлган 22,0 млрд. сўм суммадаги депозит сертификатлари 2012 йилнинг 1 январига келиб тўла жойлаштирилди.

Бундан ташқари 2011 йилда юридик шахслар учун муомала муддати 12 ойдан 24 ойгача бўлган умумий қиймати 11,0 млрд. сўмлик узоқ муддатли депозит сертификатлари чиқарилди, улардан 1,27 млрд. сўм миқдоридаги қисми ҳисобот йили охирига келиб жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлидаги ПҚ-1166-сонли “Тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар улушини орттиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорини бажариш доирасида муомала муддати ўн йил бўлган умумий қиймати 28,0 млрд.сўмлик узоқ муддатли облигациялар муомалага чиқарилди, улардан 17,06 млрд. сўми 2012 йилнинг 1 январига келиб жойлаштирилди.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябридаги 1438-сонли “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорини бажариш мақсадида Банк томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш, банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва уларнинг замонавий турларини таклиф қилиш бўйича муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу мақсадда ҳисобот йилида компьютер жиҳозлари модернизация қилинди.

2011 йил давомида банк мутахассислари томонидан банкнинг Ахборот тизимига бир қатор ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилди. Жумладан, қуйидаги қисм-тизимлар ишга туширилди: банк ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қўмитаси ўртасида инкассо топшириқларини алмашиш қисм-тизими, банкда турли халқаро пул ўтказмалари тизимларида фойдаланилувчи маълумотларни автоматик қайта ишлаш қисм-тизим. Яна банк ва Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази (ЯУПМ) ўртасида маълумотлар алмашиш канали яратилди ва янги миллий карточка тизими транзакцияларини қайта ишлашга имкон берувчи “Узкарт-EMV” қисм-тизими йўлга қўйилди. Ҳисобот йили давомида “Интерфейс – ПАЙНЕТ”, “Интерфейс ИАБС-Сувсоз”, “Интерфейс ИАБС-Махсустрас” каби модуллар, савдо ташкилотлар учун “Интернетбанкинг”нинг мижоз қисми кабилар ишга туширилди.

Банк мутахассислари Lotus Notes Domino 8.5 янги версияси асосида корпоратив электрон почта тизимини йўлга қўйиш бўйича ишларни ўтказдилар ҳамда филиал мутахассисларини электрон ҳужжатлар айлануви тизимида (ЭХАТ) ишлаш бўйича ўқитиш ўтказилди.

Банкнинг масъул ходимларини рўйхатга олиш ва уларнинг ишчи станцияларини идоралараро ҳужжатлар айлануви тизими Е-Нужат ва ҳимояланган электрон почта Е-Хат га улаш бўйича ишлар ўтказилди.

Барқарор ва тезкор корпоратив тармоқни яратиш бўйича ишлар ҳам давом эттирилди, бунинг учун йил давомида банк ва BeeLine, Ucell ва Ўзтелеком каби ташкилотлар ўртасида шиша толали алоқа линиялари тортилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ахборот тизими ва “Ўзкимёсаноат” ДАК, “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Ўзбекэнерго” ДАК корхоналари ўртасида алоқа йўлга қўйилди. Ушбу алоқа линиялари бўйича кўрсатилган корхоналар фойдасига тўловларни қабул қилиш ва назорат қилиш қисм-тизимлари ишга туширилди.

Бош банк маҳаллий ҳисоблаш тармоғини (МХТ) модернизация қилиш, банк ахборот ва карточка тизимини такомиллаштириш, уни халқаро ахборот хавфсизлиги талаблари, жумладан – PCI DSS (Payment Card Industry Data Security Standard) га мувофиқ ҳолга келтириш амалга оширилаяпти. Карточкалар тизими терминаллари сонининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда иккита Е1 оқимлари уланди, улар бир вақтда уланиши мумкин бўлган терминаллар сонини камида бир ярим баробарга ошириш имкониятини берди.

БАНКНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

Ҳисобот йилида банкнинг Кадрлар сиёсати банк тизимини ўсиши ва ривожланишига кўмаклашадиган кадрларни жалб қилиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилди. Банкда ташаббускорлик, касбий маҳорат, ходимларнинг ўз билимларини оширишга бўлган интилишлари рағбатлантирилади. Бунда банк ҳар бир ходимнинг нафақат касбий маҳоратининг ривожланиши, балки моддий фаровонлигининг яхшиланишига ҳам кўмаклашган ҳолда ҳар бир ходим учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Банк томонидан ходимларга уларнинг ривожланишлари, таълим ва ижтимоий дастурлардан фойдаланишлари учун тенг имкониятлар тақдим этилади.

Ҳар бир ходимнинг касбий маҳорати, ташаббускорлиги ва масъулиятлилиги уларнинг лавозимни кўтариш ёки бошқа бўлинмадаги лавозимга тайинлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Тенг имкониятлар тамойили ҳар бир ходимга ўзининг банк тизимидаги мақомини мос равишда ўзгартириш имкониятини беради. Ўзларининг касбий маҳоратларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ходимларимизга нафақат ўзларининг ижтимоий ва моддий мақомларини кўтариш орқали мартабавий ўсиш истиқболларини очади, балки ўз шахсий сифатларини кўрсатиш имкониятларини ҳам беради.

Биз меҳнат шароитлари ҳар бир ходимга ўзини тўлалигича намоён қилиш ва ўз қобилиятлари ва имкониятларини кўрсатишига имкон беришига интиламиз.

Республика иқтисодиётининг банк сектори меҳнат бозоридаги кескин таркибий ўзгаришлар, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, кундалик ҳаётга янги ахборот технологияларининг қўлланилиши банк учун малакали ходимларни тайёрлаш ва уларнинг замон талабларига мувофиқлиги заруриятини белгилаб берди. Банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиб бориши шароитларида самарали ва барқарор банк фаолиятини юритиш учун инсон омили ниҳоятга катта аҳамиятга эга. Кадрлар сиёсатининг тўғри танланган йўналиши банк рейтингини ва обрўси даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Кадрлар сиёсати йўналишини тўғри танлаш барқарор ва самарали ишлайдиган, яхши имкониятларга ва корпоратив маданиятга эга бўлган ҳамфикрлар жамоасини яратишга имкон беради. Банк ходимларининг касбий малакалари барқарор рақобатбардош банк тизимини яратишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Чунки ходимларнинг малакалари, уларнинг касбий тайёрликлари, иш лаёқатининг сифати ишлаб чиқариш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ раҳабрияти ўз ходимларининг касбий малакаларини оширишга бўлган интилишларини барча воситалар ёрдамида қўллаб-қувватлайди. Банк тизимида сифатли хизматлар кўрсатиш учун юқори малакага, турли хил банк операцияларидан билимга эга бўлган, ўз малакасини ошириш устида мунтазам ишлайдиган, юқори натижаларга эришиш учун ўз имкониятларини оширишга интиладиган ходимлар талаб қилинади.

Кадрлар билан ишлашдаги устувор йўналиш бўлиб банк тизими учун кадрларни танлаб олиш, кадрлар таркибининг малакасини ошириш, ходимларни аттестациядан ўтказиш, банк захираси таркибига киритилган номзодларни тайёрлаш, банкни Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва банк йўналишидаги бошқа олий ўқув юрти битирувчилари орасидан ёш кадрлар билан тўлдириш бўлиб қолмоқда. Бу банк таркибий бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар, ёш ходимлар, жумладан чет тилларини биладиган ходимлар билан таъминлашга имкон беради.

Банк учун ходимларни танлаш ва улар даражасини ишчан мутахассислар даражасига еташишда барча ходимлар танловдан ўтадилар. Бўш ўринларга номзодларни танлаб олишда биз энг эввало банкнинг ички кадрлар захирасига таянган ҳолда танлов тамойиллари афзал кўрилади, аниқ ва қатъий вазифалар қўйилган ҳолда номзодга албатта синов муддати тайинланади. Бунда асосий эътибор олий маълумотлилиги, банк тизимидаги етарли иш стажига эгаллиги, иқтисодий ва сиёсий масалаларда билимга эгаллиги, банк тизимининг амалий меъёрий

хужжатларини билишига, энг аввало судланмаганлиги, ишга яроқлилиги ва уddaбуронлиги, аввалги иш фаолиятида камчиликлар бўлмаганлигига қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки номенклатурасига кирувчи раҳбарлик лавозимларини ўз вақтида кадрлар билан тўлдириш учун тизим ходимларининг асосий ва келажакдаги заҳираси ҳар йили тасдиқланади.

Асосий ва режалаштирилаётган заҳира таркибига кирувчи раҳбар лавозимлардаги ходимларни тайёрлаш учун филиаллар ўртасидаги тажриба алмашиш, турли малака ошириш курсларида ўқитиш бўйича ишлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Малакали кадрларга бўлган сармоялар узоқ муддатли муваффақиятнинг асосини ташкил қилишини англаб етган ҳолда банк ходимлари ўз билимларини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академияси, Банк-молия Академиясига, Европа ва Осиёнинг машҳур банкларидаги иқтисодий стратегия, хорижий сармоялар, кредит хатарлари ва иқтисодий билимларнинг бошқа истиқболли йўналишлари бўйича турли курслар ва семинарларга юборилмоқдалар.

Тошкент шаҳридаги Сингапурнинг менежментни ривожлантириш институти билан ишчи муносабатлари ўрнатилди. Ҳозирги вақтда банкни инглиз тилини мукамал биладиган ёш кадрлар билан таъминлаш мақсадида ушбу олий ўқув юртининг 17 та ёш талабасига ҳомийлик кўмаги кўрсатилмоқда.

Ҳар йили банк филиаллари ўртасида мини футбол мусобақаси ўтказилади. Банк терма жамоалари футбол бўйича Банклараро турнирда ва Республика банклар Ассоциацияси томонидан ташкиллаштириладиган олти турдаги дастур бўйича банклараро спартакиадада иштирок этадилар. Кўп йиллар давомида банк жамоаси барча турдаги дастурлар бўйича совринли ўринларни, умумжамоа бўйича биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар ва эсдалик совринлари, фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганлар.

Ҳозирги вақтда ривожланиш импульси у давлат, компания, банк ёки оила бўлишидан қатъий назар исталган тизимли ташкилотнинг келажакини белгилаб беради. Агар банк ёки исталган ташкилот ўз ходимларининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаб бера олмас экан, унинг келажакга бўлмайди. Биз уларнинг хизмат лавозимларидан қатъий назар барча ходимларни қадрлаймиз ва уларнинг ривожланишларига кўмаклашамиз. Ва меҳнат жамоаси томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ раҳбариятига нисбатан ўзаро ҳурмат ва банкнинг ривожланишига тегишли бўлган қарорларни қабул қилишда ҳамфикрликка ҳақли равишда умид қиламиз.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ОАТБнинг РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўзининг биринчи даражадаги вазифаси деб Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги муҳим истиқболларига бағишланган ҳукумат йиғилишидаги “2012 йил мамлакатимиз ривожланишини янги босқичга кўтариш йили бўлади” мавзусидаги нутқда белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич ва оғишмасдан бажаришдан иборат деб ҳисоблайди. Банкни ривожлантириш стратегияси ликвидликни янада мустаҳкамлаш ва молия-банк тизими барқарорлиги ошириш, ўз хусусий ресурслар базасини орттириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва уларга маҳсулотлар, бошқарув усулларининг янги турларини қўллашга инвестиция қилишни кўзда тутди. Яна иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратиш, банк омонатчилари, мижозлари ва акциядорларининг пул маблағларини сақлаш ва кўпайтириш ҳам кўзда тутилган. Банкнинг йирик саноат корхоналарига ҳамда кичик бизнесга молиявий ёрдами асосий тармоқлардаги таркибий ўзгаришлар, бутун иқтисодиётни модернизация қилиш ва мувозанатлашган ҳолда ривожлантириш, Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Дастурни фаол тарзда амалга ошириш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишга кўмаклашади.

Ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ учун узоқ истиқболга мўлжалланган ва мамлакат имкониятлари, қудрати ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ўстириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим устувор йўналиш бўлиб асосий етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, доимий ўсишни таъминлаш ва лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш йўли билан кредит портфели сифатини яхшилашга йўналтирилган стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш бўлиб қолмоқда.

Банкнинг стратегик мақсади бўлиб замонавий, рақобатбардош ва универсал банк сифатидаги позициясини сақлаб қолиш, Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги тегишли конъюктурадаги ўзгаришларга чидамли бўлган тизимни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолади. “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинган 2012 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, сифатли сервисни мустаҳкамлаш, банк мижозлари, айниқса ёш оилалар учун қулай ва фойдали бўлган кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтиришга қатъий аҳд қилган.

Банк фаолиятининг устувор йўналишлари:

- **Банк капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлиги даражасини халқаро стандартларга мувофиқ тарзда янада кўтаришни таъминлаш.**
- **Банк активлари, жумладан кредит портфелини янада ўстириш ва яхшилашни таъминлаш, хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш.**
- **Жозибадор депозитлар тизимини йўлга қўйиш ва доимий янгилаб бориш орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш. Омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш йўли билан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш.**
- **Банкнинг инвестиция ва кредит сиёсати ва янги ишлаб чиқаришларни яратиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни узоқ муддатли кредитлаштириш механизмларини янада такомиллаштириш йўли билан банк инвестицион фаолияти ва кредитлаштириш хажмларининг кенгайтириш, ушбу мақсадлар учун банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, экспортга ишловчи корхоналар фаолиятларини қўллаб-**

қувватлаш. Жумладан, стратегик жиҳатдан жиддий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестицион фаолиятни амалга ошириш.

- **Кичик бизнес субъектларини, жумладан оилавий тадбиркорликни молиявий-кредитлаш асосида қўллаб-қувватлаш йўли билан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга оширишда иштирок этиш.** Янги ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ёки мавжуд озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришлари, маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлашни кўзда тутувчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, жумладан аёллар меҳнатидан фойдаланган ҳолда ва чекка жойларда ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган минтақаларда амалга оширилувчи лойиҳалар, аҳоли бандлигини таъминлашга кредитлар тақдим этиш.

- **Микромолиялаштириш соҳасини ривожлантириш.**

- **Молиявий нотурғун ва иқтисодий жиҳатдан лаёқатсиз бўлган корхоналар фаолиятларини қайта тиклаш ва уларга стратегик сармоядорларни жалб қилиш.**

- **Аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилаётган молиявий банк хизматлари ҳажмлари ва спектрини кенгайтириш.** Янги молиявий воситаларни, жумладан консалтинг хизматлари ҳамда фондлар бозорида профессионал хизматларни йўлга қўйиш. Нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш учун VISA халқаро пластик карточкаларини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш, савдо-хизмат кўрсатиш корхоналарида содиқлик лойиҳалари, корхоналарда иш ҳақи лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш давом эттирилади. Пластик карточкалардан фойдаланиб on-line режимида сутка давомида коммунал тўловларни амалга оширишга имкон берувчи кенг оммага хизмат кўрсатувчи тўлов-маълумот бериш электрон терминалларининг (инфокиоск) кенг тармоғини ташкиллаштириш воситасида хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш. Ахборот- алоқа технологиялари, жумладан Интернет-банкнинг кенг қўллаган ҳолда банк хизматларини кенгайтириш.

- **Банкда замонавий технологияларни ва молиявий-банк ҳисоби ва ҳисоботлари бўйича услубиятларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, молиявий-банк ва кредит ахборотлари сифати ва даражасини кўтариш, ундан кенг омманинг фойдаланишини таъминлаш.**

- **Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш.**

- **Молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, банкни юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш.**

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг республика молиявий секторининг энг жадал ривожланаётган муассасаларидан бири сифатидаги мақомини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, **фаолият табиатининг универсаллиги, кенг миқдор базаси, фойдаланилаётган технологиялар даражасининг юқорилиги, ривожланган филиаллар тармоғи ва етарли даражада капиталлаштириш** республика иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги маҳаллий корпоратив тармоқ молиявий фаолиятини янада яхшироқ таъминлаш учун хизмат қилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ (АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ)



Deloitte & Touche LLC
Business Centre "Inconel"
75, Mustakillik Avenue
Tashkent, 100000
Republic of Uzbekistan

Tel: +998 (71) 120 44 45
Fax: +998 (71) 120 44 47
tashkent@deloitte.uz
www.deloitte.uz

INDEPENDENT AUDITORS' REPORT

To: the Shareholders and the Council of "Uzbek Industrial and Construction Bank" Open Joint-Stock Commercial Bank OJSCB "UZPROMSTROYBANK"

We have audited the accompanying consolidated financial statements of "Uzbek Industrial and Construction Bank" Open Joint-Stock Commercial Bank OJSCB "UZPROMSTROYBANK" (the "Bank") and its subsidiaries (the "Group"), which comprise the consolidated statement of financial position as at December 31, 2011, and the consolidated income statement, the consolidated statement of comprehensive income, the consolidated statement of changes in equity and the consolidated cash flow statement for the year then ended, and a summary of significant accounting policies and other explanatory information.

Management's Responsibility for the Financial Statements

Management is responsible for the preparation and fair presentation of these consolidated financial statements in accordance with International Financial Reporting Standards and for such internal control as management determines is necessary to enable the preparation of consolidated financial statements that are free from material misstatement, whether due to fraud or error.

Auditors' Responsibility

Our responsibility is to express an opinion on these consolidated financial statements based on our audit. We conducted our audit in accordance with International Standards on Auditing. Those standards require that we comply with ethical requirements and plan and perform the audit to obtain reasonable assurance about whether the consolidated financial statements are free from material misstatement.

An audit involves performing procedures to obtain audit evidence about the amounts and disclosures in the consolidated financial statements. The procedures selected depend on the auditors' judgment, including the assessment of the risks of material misstatement of the consolidated financial statements, whether due to fraud or error. In making those risk assessments, the auditor considers internal control relevant to the entity's preparation and fair presentation of the consolidated financial statements in order to design audit procedures that are appropriate in the circumstances, but not for the purpose of expressing an opinion on the effectiveness of the entity's internal control. An audit also includes evaluating the appropriateness of accounting policies used and the reasonableness of accounting estimates made by management, as well as evaluating the overall presentation of the consolidated financial statements.

We believe that the audit evidence we have obtained is sufficient and appropriate to provide a basis for our audit opinion.

Opinion

In our opinion, the consolidated financial statements present fairly, in all material respects the financial position of the Group as at December 31, 2011, and its financial performance and cash flows for the year then ended in accordance with International Financial Reporting Standards.

Deloitte & Touche

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan

**“UZBEK INDUSTRIAL AND CONSTRUCTION BANK” OPEN JOINT-STOCK
COMMERCIAL BANK OJSCB “UZPROMSTROYBANK”**

**CONSOLIDATED INCOME STATEMENT
FOR THE YEAR ENDED DECEMBER 31, 2011**

(in thousands of Uzbek Soums, except for earnings per share which are in Uzbek Soums)

| | Notes | Year ended December 31, 2011 | Year ended December 31, 2010 |
|---|-------|------------------------------------|------------------------------------|
| Continuing operations | | | |
| Interest income | 6,29 | 137,096,541 | 107,397,094 |
| Interest expense | 6,29 | (52,947,801) | (62,450,920) |
| NET INTEREST INCOME BEFORE PROVISION FOR IMPAIRMENT LOSSES ON INTEREST BEARING ASSETS | | | |
| | | 84,148,740 | 44,946,174 |
| Provision for impairment losses on interest bearing assets | 7,29 | (51,276,622) | (16,019,209) |
| NET INTEREST INCOME | | | |
| | | 32,872,118 | 28,926,965 |
| Net gain on foreign exchange operations | 8 | 6,289,126 | 4,376,180 |
| Fee and commission income | 9, 29 | 88,180,566 | 67,421,143 |
| Fee and commission expense | 9 | (13,005,958) | (13,578,479) |
| Losses on initial recognition of assets at rates below market | 16 | (3,396,678) | (772,870) |
| Share of results from associates | | 309,603 | 329,205 |
| Provision for impairment losses on other operations | 7 | (1,666,655) | (1,495,714) |
| Dividend income | | 2,208,124 | 2,226,276 |
| Other income, net | 10 | 2,862,472 | 998,327 |
| NET NON-INTEREST INCOME | | | |
| | | 81,780,600 | 59,504,068 |
| OPERATING INCOME | | | |
| | | 114,652,718 | 88,431,033 |
| OPERATING EXPENSES | | | |
| | 11 | (93,128,604) | (73,206,496) |
| PROFIT BEFORE INCOME TAX | | | |
| | | 21,524,114 | 15,224,537 |
| Income tax expense | 12 | (5,369,860) | (2,531,656) |
| PROFIT FOR THE PERIOD FROM CONTINUING OPERATIONS | | | |
| | | 16,154,254 | 12,692,881 |
| Discontinued operations | | | |
| Profit for the period from discontinued operations | | 45,741 | - |
| NET PROFIT FOR THE PERIOD | | | |
| | | 16,199,995 | 12,692,881 |
| Earnings per share, basic (expressed in UZS per share) | 13 | 261 | 245 |

On behalf of the Management Board:

Abdurasul N. Abdullaev
Chairman of the Board

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan



Saidkamol S. Khodjaev
Chief Accountant


March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan

**“UZBEK INDUSTRIAL AND CONSTRUCTION BANK” OPEN JOINT-STOCK
COMMERCIAL BANK OJSCB “UZPROMSTROYBANK”**

**CONSOLIDATED STATEMENT OF COMPREHENSIVE INCOME
FOR THE YEAR ENDED DECEMBER 31, 2011**
(in thousands of Uzbek Soums)

| | Year ended December 31, 2011 | Year ended December 31, 2010 |
|--|------------------------------------|------------------------------------|
| NET PROFIT FOR THE PERIOD | <u>16,199,995</u> | <u>12,692,881</u> |
| Other comprehensive income | | |
| Unrealized gain/(loss) on investments available-for-sale | 389,512 | (81,595) |
| Income tax relating to components of other comprehensive income | <u>(58,427)</u> | <u>12,241</u> |
| OTHER COMPREHENSIVE INCOME AFTER INCOME TAX | <u>331,085</u> | <u>(69,354)</u> |
| TOTAL COMPREHENSIVE INCOME | <u><u>16,531,080</u></u> | <u><u>12,623,527</u></u> |

On behalf of the Management Board:


Abdurasul N. Abdullaev
Chairman of the Board



March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan


Saidkamol S. Khodjaev
Chief Accountant

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan

**“UZBEK INDUSTRIAL AND CONSTRUCTION BANK” OPEN JOINT-STOCK
COMMERCIAL BANK OJSCB “UZPROMSTROYBANK”**

**CONSOLIDATED STATEMENT OF FINANCIAL POSITION
AS AT DECEMBER 31, 2011**
(in thousands of Uzbek Soums)

| | Notes | December 31, 2011 | December 31, 2010 |
|---|-------|----------------------|----------------------|
| ASSETS: | | | |
| Cash and Balances with the Central Bank of the Republic of Uzbekistan | 14,29 | 323,770,703 | 248,970,393 |
| Due from banks | 15,29 | 670,392,376 | 153,454,290 |
| Loans to customers | 16,29 | 2,271,309,690 | 1,405,194,520 |
| Investments available-for-sale | 17,29 | 21,466,299 | 24,184,618 |
| Investments in associates | 18,29 | 4,360,133 | 4,052,268 |
| Property, equipment and intangible assets | 19 | 89,887,948 | 40,297,466 |
| Investment property | 20 | - | 857,410 |
| Deferred income tax assets | 12 | 3,503,194 | 3,000,726 |
| Assets classified held for sale | 22 | 34,179,672 | 18,002,895 |
| Other assets | 21 | 10,125,238 | 6,063,433 |
| TOTAL ASSETS | | 3,428,995,253 | 1,904,078,019 |
| LIABILITIES AND EQUITY | | | |
| LIABILITIES: | | | |
| Due to banks | 23,29 | 112,656,546 | 100,982,901 |
| Customer accounts | 24,29 | 1,713,485,621 | 1,027,029,767 |
| Other borrowed funds | 25,29 | 1,390,817,903 | 620,015,493 |
| Liabilities directly associated with assets classified as held for sale | 22 | 266,722 | - |
| Other liabilities | 26 | 17,133,842 | 3,646,228 |
| Total liabilities | | 3,234,360,634 | 1,751,674,389 |
| EQUITY: | | | |
| Share capital | 27 | 161,227,616 | 136,972,616 |
| Treasury shares | | (6,602,344) | (12,445,354) |
| Investments available-for-sale fair value reserve | | 1,295,380 | 964,295 |
| Retained earnings | | 38,713,967 | 26,912,073 |
| Total equity | | 194,634,619 | 152,403,630 |
| TOTAL LIABILITIES AND EQUITY | | 3,428,995,253 | 1,904,078,019 |

On behalf of the Management Board:

Abdurasul N. Abdullaev
Chairman of the Board

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan



Saidkamol S. Khodjaev
Chief Accountant

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan

“UZBEK INDUSTRIAL AND CONSTRUCTION BANK” OPEN JOINT-STOCK COMMERCIAL BANK OJSCB “UZPROMSTROYBANK”

**CONSOLIDATED STATEMENT OF CHANGES IN EQUITY
FOR THE YEAR ENDED DECEMBER 31, 2011
(in thousands of Uzbek Soums)**

| | Share capital | Treasury shares | Investments available for-sale fair value reserve | Retained earnings | Total equity |
|------------------------------|--------------------|---------------------|---|-------------------|--------------------|
| January 1, 2010 | 123,222,616 | - | 1,033,649 | 31,745,192 | 156,001,457 |
| Capitalisation of dividends | 13,750,000 | - | - | (13,750,000) | - |
| Total comprehensive income | - | - | (69,354) | 12,692,881 | 12,623,527 |
| Dividends declared | - | - | - | (3,776,000) | (3,776,000) |
| Purchase of treasury shares | - | (12,445,354) | - | - | (12,445,354) |
| December 31, 2010 | 136,972,616 | (12,445,354) | 964,295 | 26,912,073 | 152,403,630 |
| Shares issued and paid | 24,255,000 | - | - | - | 24,255,000 |
| Total comprehensive income | - | - | 331,085 | 16,199,995 | 16,531,080 |
| Dividends declared | - | - | - | (4,398,101) | (4,398,101) |
| Sale of Treasury shares, net | - | 5,843,010 | - | - | 5,843,010 |
| December 31, 2011 | 161,227,616 | (6,602,344) | 1,295,380 | 38,713,967 | 194,634,619 |

On behalf of the Management Board:

Abdurasul N. Abdullaev
Chairman of the Board

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan



Saidkamol S. Khodjaev
Chief Accountant

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan

**“UZBEK INDUSTRIAL AND CONSTRUCTION BANK” OPEN JOINT-STOCK
COMMERCIAL BANK OJSCB “UZPROMSTROYBANK”**

**CONSOLIDATED STATEMENT OF CASH FLOWS
FOR THE YEAR ENDED DECEMBER 31, 2011**

(in thousands of Uzbek Soums)

| | Notes | Year ended December 31, 2011 | Year ended December 31, 2010 |
|--|-------|------------------------------------|------------------------------------|
| CASH FLOWS FROM OPERATING ACTIVITIES: | | | |
| Interest received | | 142,086,096 | 101,293,979 |
| Interest paid | | (54,743,038) | (63,921,533) |
| Fee and commission received | | 88,481,806 | 66,771,369 |
| Fee and commission paid | | (13,005,958) | (13,578,479) |
| Other operating income received | | 2,360,004 | 998,327 |
| Staff costs paid | | (47,162,103) | (38,561,254) |
| Administrative and other operating expenses paid | | (37,705,136) | (30,215,520) |
| Income tax paid | | <u>(3,376,131)</u> | <u>(2,500,039)</u> |
| Cash flows from operating activities before changes in operating assets and liabilities | | 76,935,540 | 20,286,850 |
| Changes in operating assets and liabilities: | | | |
| Increase in minimum reserve deposits with the Central Bank of the Republic of Uzbekistan | | (12,671,885) | (39,532,303) |
| Net (increase)/decrease in due from other banks | | (67,248,694) | 186,950 |
| Net increase in loans and advances to customers | | (944,559,669) | (163,816,275) |
| Net increase in other assets | | (5,656,093) | (8,259,174) |
| Net increase/(decrease) in due to other banks | | 21,848,707 | (40,151,676) |
| Net increase in customer accounts | | 702,409,591 | 266,301,417 |
| Net increase/(decrease) in other liabilities | | <u>5,378,836</u> | <u>(93,757)</u> |
| Net cash (outflow)/inflow from operating activities | | <u>(223,563,667)</u> | <u>34,922,032</u> |
| CASH FLOWS FROM INVESTING ACTIVITIES: | | | |
| Purchase of investments available-for-sale | | (2,269,672) | (8,048,362) |
| Proceeds from sale and redemption of investments available-for-sale | | 5,273,298 | (1,694,392) |
| Purchase of property, equipment and intangible assets | | (57,664,826) | (13,984,618) |
| Proceeds on sale of property, plant and equipment | | 2,228,400 | 2,756,855 |
| Dividend income received | | <u>2,209,862</u> | <u>2,226,276</u> |
| Net cash outflow from investing activities | | <u>(50,222,938)</u> | <u>(18,744,241)</u> |

**“UZBEK INDUSTRIAL AND CONSTRUCTION BANK” OPEN JOINT-STOCK
COMMERCIAL BANK OJSCB “UZPROMSTROYBANK”**

**CONSOLIDATED STATEMENT OF CASH FLOWS (CONTINUED)
FOR THE YEAR ENDED DECEMBER 31, 2011**

(in thousands of Uzbek Soums)

| | Notes | Year ended December 31, 2011 | Year ended December 31, 2010 |
|--|-------|------------------------------------|------------------------------------|
| CASH FLOWS FROM FINANCING ACTIVITIES: | | | |
| Proceeds from issue of share capital | | 24,255,000 | - |
| Dividends paid | | (4,389,865) | (3,785,550) |
| Proceeds from other borrowed funds | | 816,461,014 | 149,244,556 |
| Repayment of other borrowed funds | | (45,222,478) | (27,096,161) |
| Treasury shares sold | | 5,843,010 | - |
| Treasury shares purchased | | - | (12,445,354) |
| | | <u>796,946,681</u> | <u>105,917,491</u> |
| Net cash inflow from financing activities | | | |
| <i>Effect of changes in foreign exchange rate on cash and cash equivalents</i> | | <u>424,834</u> | <u>525,097</u> |
| NET INCREASE IN CASH AND CASH EQUIVALENTS | | 523,584,910 | 122,620,379 |
| CASH AND CASH EQUIVALENTS, beginning of year | 14 | <u>247,412,476</u> | <u>124,792,097</u> |
| CASH AND CASH EQUIVALENTS, end of year | 14 | <u><u>770,997,386</u></u> | <u><u>247,412,476</u></u> |

On behalf of the Management Board:

Abdurasul N. Abdullaev
Chairman of the Board



March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan

Saidkamol S. Khodjaev
Chief Accountant

March 30, 2012
Tashkent, Uzbekistan

ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИ

| Худуд | Минтақавий филиал | Филиаллар |
|-------------------------------------|--|---|
| <i>Қорақалпоғистон Республикаси</i> | Қорақалпоқ Нукус шаҳри, А. Шохмуродов кўчаси, 117а (8-361) 780-01-01 (8-371) 141-71-01 | Қўнғирот Қўнғирот шаҳри, Т. Айбергандов кўчаси, 2 (8-361) 312-24-51 |
| | | Тахياتош Тахياتош шаҳри, С.Авезов кўчаси, 29 (8-361) 572-29-00 |
| <i>Андижон вилояти</i> | Андижон Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 36 (8-374) 235-31-08 | Бунёдкор Андижон шаҳри, А. Темур шоҳкўчаси, 24 (8-374) 224-41-94 |
| | | Хонобод Хонобод шаҳри, Зиёкор кўчаси, 2 (8-374) 734-23-45 |
| <i>Бухоро вилояти</i> | Бухоро Бухоро шаҳри, Б. Нақшбанд кўчаси, 257а (8-365) 223-48-59 | Қоровулбозор Қоровулбозор шаҳри, Навоий кўчаси, 7 (8-365) 364-42-88 |
| | | Туқимачилик Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5 (8-365) 223-49-33 |
| <i>Қашқадарё вилояти</i> | Қашқадарё Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 2а (8-375) 223-06-83 | Мубарак Мубарак шаҳри, 4-микрорайон, 22 (8-375) 672-15-17 |
| <i>Навоий вилояти</i> | Навоий Навоий шаҳри, Архитекторлар кўчаси, 7 (8-436) 224-50-71 | |
| <i>Наманган вилояти</i> | Наманган Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳкўчаси, 19 (8-369) 234-32-90 | |
| <i>Самарқанд вилояти</i> | Самарқанд Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3а (8-366) 233-75-69 | Амир Темур Самарқанд шаҳри, А. Икромов кўчаси, 13 (8-366) 221-05-29 |
| <i>Сурхондарё вилояти</i> | Сурхондарё Термиз шаҳри, А. Навоий кўчаси, 45а (8-376) 224-26-90 (8-376) 224-26-89 | Шарғун Шарғун шаҳри, Шахтерская кўчаси, 29 (8-376) 272-03-54 |
| <i>Сирдарё вилояти</i> | Сирдарё Гулистон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 48 (8-367) 225-07-40 (8-371) 150-13-84 | |

| Худуд | Минтақавий филиал | Филиаллар |
|------------------------|---|---|
| <i>Фарғона вилояти</i> | Фарғона Фарғона шаҳри, Қомус кўчаси, 42 (8-373) 224-85-03 | Қирғули Фарғона шаҳри, Қирғули тумани, Фарғона кўчаси, 9 (8-373) 222-28-23 |
| | | Қўқон Қўқон шаҳри, А. Темуралиев кўчаси, 1а (8-373) 552-53-73 |
| <i>Хоразм вилояти</i> | Хоразм Урганч шаҳри, Баҳодирхон кўчаси, 183 (8-362) 226-10-16 | |
| <i>Тошкент вилоят</i> | Тошкент вилояти Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 10а (8-371) 244-56-10 (8-371) 244-50-05 | Чирчиқ Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 66 (8-370) 716-23-36 |
| | | Қибрай Қибрай тумани, Зебинисо кўчаси, 7 (8-371) 289-29-58 |
| | | Ангрен Ангрен шаҳри, массив 5/1-а, 3 (8-370) 662-17-71 |
| | | Олмалик Олмалик шаҳри, Промзона (8-370) 613-34-69 |
| <i>Тошкент шаҳри</i> | Тошкент шаҳри Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 5 (8-371) 140-66-02 (8-371) 140-66-05 (8-371) 144-66-07 | Учтепа Учтепа тумани, Чилонзор-12, Фарҳод кўчаси, 3а (8-371) 276-54-12 |
| | | Ал-Хоразмий Учтепа тумани, Чилонзор-30, 16а (8-371) 270-02-25 |
| | | Мирзо Улуғбек Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол кўчаси, 25 (8-371) 233-81-62 |
| | | Нодирабегим Шайхонтохур тумани, Хуршид кўчаси, 8 (8-371) 244-36-74 |
| | | Хамза Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16а (8-371) 252-12-37 |
| | | Миробод Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10 (8-371) 233-66-40 |

| Худуд | Минтақавий филиал | Филиаллар |
|-------|---|---|
| | | <p>Шахристон Юнусобод тумани, О. Зокиров кўчаси, 49 (8-371) 212-29-86</p> <p>Юнусобод Юнусобод тумани, Уч Қахрамон кўчаси, 7 (8-371) 221-01-00</p> <p>Қатортол Чилонзор тумани, Чилонзор -6, Қатортол кўчаси, 30 (8-371) 278-22-05</p> <p>Ракат Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 2а (8-371) 281-49-81</p> <p>Олмазор Олмазор тумани, А. Бобожонов кўчаси, 10 (8-371) 248-37-85</p> <p>Сергели Сергелий тумани, Сергели-8, 38 (8-371) 258-37-46</p> <p>Чилонзор Чилонзор тумани, Чилонзор- Ц, Мехр кўчаси, 10 (8-371) 276-54-26</p> |
| | <p>Марказий амалиёт Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 51 (8-371) 239-10-18</p> | |
| | <p>“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ хузуридаги амалиёт бошқармаси Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3 (8-371) 120-45-61</p> | |